

ЎЗБЕКИСТОН

QISHLOQ XO'JALIGI


ISSN 2181-502X

№3. 2012

*Мамлакатимиз аҳлини, жумладан аграр
еоянинг барча ходимларини Наврўзи олам
билан табриклаймиз. Хирмонларимиз
сарбаланд, даромадимиз баракали,
турмушимиз янада фаровон бўлсин!*

**Ўзбекистон Қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирлиги**

ASSALOM, NAVRO'ZI!



«АНДИЖОН-36» ҒЎЗА НАВИНИ ПАРВАРИШЛАШНИНГ МАҚБУЛ АГРОТАДБИРЛАРИ

Кейинги йилларда селекционер олимларимиз томонидан ғўзанинг серҳосил, тезпишар, тола сифати юқори, турли экстремал шароитларга чидамли навлари яратилмоқда. Мазкур янги навларни республикамизнинг турли тупроқ-иклим шароитларига мос ҳолда жойлаштириш ва парваришлашнинг мақбул агротадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда кенг жорий этиш долзарб вазифалардан биридир.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида 2009–2011 йиллар давомида олиб борилган дала тажрибаларимиз ушбу муҳим масала ечимига қаратилган бўлиб, ғўзанинг янги иқлимлаштирилган «Андижон-36» нави суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан уч хил, яъни, 65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60% ҳамда икки хил маъданли ўғит, яъни, N-160, P₂O₅-112, K₂O-80 ва N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 кг/га меъёрларда ўрганилиши. Андоза сифатида С-6524 нави суғориш олдди тупроқ намлиги 70-70-60% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитлар N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрда озиклантирилиши.

Тадқиқотлар УЎПТИТИ нинг эскидан суғориб, деҳқончилик қилиниб келинаётган тажриба ҳужайраги майдонларида олиб борилди. Тажриба даласи тупроғи типик бўз, механик таркиби оғир қумоқ, сизот сувлари сатҳи чуқур (8 м. дан пастда) жойлашган.

Изланишларда барча кузатув, таҳлил ва ўлчовлар УЎПТИТИ да ишлаб чиқилган «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения» (1981). «Дала тажрибаларини ўтказиш услуби» (2007) қўлланмалари асосида олиб борилди.

Тажриба вариантлари 3 та такропланишда бир ярус бўйлаб жойлаштирилди. Ҳар бир вариант 8 қатордан иборат бўлиб, эни 4,8, эгат узунлиги 100 м, бир делянкани умумий майдони 480 м², шундан ўртадаги 4 қатори ҳисоб бўлаклари бўлиб, майдони 240 м² га тенг бўлди.

Тупроқнинг агрофизик ва сув физик хоссалари унинг унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Тажриба даласи тупроғининг ҳажм массаси баҳорда 0–100 см қатламда ўртача уч йилда 1,36–1,37 г/см³ ни ташкил этган бўлса, кузга келиб бу кўрсаткич суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда ўртача 1,38 г/см³, 70-70-60% тартибда 1,39–1,40 г/см³ ва 70-75-60% тартибда эса 1,40–1,41 г/см³ га тенг бўлганлиги аниқланди. Тупроқни сув ўтказув-

чанлиги баҳорда 6 соат давомида ўртача 899–904 м³/га. дан иборат бўлди. Кузда суғориш тартиблари бўйича ўртача 740–784 м³/га. га камайганлиги кузатилади. Тажриба даласи тупроғининг дала нам сизимини аниқлаш бўйича олиб борилган кузатув натижаларига кўра, бу кўрсаткич 0–70 см қатламда ўртача 21,7–21,9% ни ташкил этган бўлса, 0–100 см қатламда 21,9–22% га тенг бўлганлиги аниқланди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги эса баҳорда олти соат давомида ўртача 149,8–150,3 м³/га. дан иборат бўлди, кузга келиб суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% да 133,5–134,6 м³/га, 70-70-60% да 130,2–131 м³/га ва 70-75-60% да 123,3–124 м³/га. ни ташкил этди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, тупроқни сув ўтказувчанлиги баҳордан кузга ва қаттиқ суғориш тартибларидан (65-65-60%) юқори суғориш тартибларига (70-75-60%) қараб бевосита суғориш меъёрлари таъсирида камайганлиги маълум бўлди.

Ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши ва ҳосил тўплаши суғориш ҳамда озуқа тартибларига бевосита боғлиқ. Урганилаётган ғўза навларининг ўсиш-ривожланиши ва ҳосил тўплаши суғориш ҳамда озиклантириш тартибларига мос ҳолда ўзгариши ҳамда ўзаро фарқланиши амал даврининг бошидан оқ кўзга яққол ташланди. Бу, айниқса, амал даври охирига келиб янада аниқроқ кўринди. Сентябрь ойининг бошида олиб борилган фенологик кузатув маълумотларига кўра, ўсимлик бўйи «Андижон-36» навида суғориш ва озиклантириш тартибларига мос равишда ўртача 83,8–96,7 см. ни ташкил этди, қўсақлар сонни 8,5–11 донага тенг бўлди. Суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда 70-70-60 ва 65-65-60% тартибларда суғорилганга нисбатан ғўза навларининг бўйи 9–11 см. га баланд бўлиши, қўсақлар 5–7 қун кеч очилиши кузатилади.

Ғўзани суғориш муддатларини белгилашда тупроқни суғориш олдди намлиги ҳамда ғўза барги ҳужайраси шираси концентрацияси кўрсаткичи ўсув нуқтасидан учинчи ва тўртинчи барглари олиниб қўл рефрактометри асбоби ёрдамида аниқланди.

Суғориш олдди тупроқ намлиги ва ғўза барги ҳужайра шираси концентрацияси кўрсаткичи уч йилда ўртача 65-65-60%, 60,7–65,9% ва 9,6–12,9, 70-70-60% тартибда 60,5–71,4% ва 8,6–12,9 ҳамда 70-75-60% тартибда эса 59,8–76,4% ва 9,0–12,9 га тенг бўлди.

Тажриба йиллари суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартиб ва 1-2-1, 1-3-1, 1-3-2 тизимларда ўртача 4–6 марта суғорилди, суғориш меъёрлари гектарига 810–1130 м³, мавсумий сув сарфи уч йил давомида ўртача гектарига 4450–5890 м³ ни ташкил этди. Суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда бу кўрсаткич 1-3-1, 1-4-1, 1-4-2 тизимларда 5–7 марта суғорилган бўлса, суғориш меъёри гектарига 680–940 м³, мавсумий сув сарфи гектарига 4730–5990 м³, 70-75-70% тартибда мос равишда 1-4-1, 1-5-2 тизимларда 6–8 марта суғорилиб, суғориш меъёрлари гектарига 810–890 м³, мавсумий сув сарфи эса гектарига 4950–6130 м³ га тенг бўлди.

Амал даври охирида пахта ҳосили 2–3 теримда териб олинди. Пахта ҳосили ҳар бир делянка бўйича алоҳида ҳисоб қилинди. Тадқиқотларда энг юқори пахта ҳосили «Андижон-36» навини суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% ва 70-70-60% тартибларда ва маъданли ўғитларни йиллик меъёри N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 кг/га бўлганда олиниб, бунда гектарига ўртача уч йилда 35,3–34,5 ц. дан иборат бўлди. «Андижон-36» навидан мазкур суғориш ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш тартибларида андоза С-6524 навида нисбатан ўртача уч йилда гектардан 2,9–4,7 ц қўшимча ҳосил олинганлиги кузатилади. Терим олдди қучат қалинлиги уч йилда ўртача 88,2–92,7 минг дона/га. га тенг бўлди. 1 центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув миқдори тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% суғориш тартибда ҳамда N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 кг/га маъданли ўғитлар меъёрида энг кам кўрсаткични ташкил этиб, бу гектарига 147 м³ га бўлганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида янги иқлимлаштирилган «Андижон-36» навини суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитларни йиллик N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 кг/га меъёрда озиклантирилганда уч йилда ўртача гектаридан энг юқори 35,3 ц пахта ҳосили олишга эришилди.

Бунда «Андижон-36» нави амал даврида суғориш олдди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда йиллар бўйича ўртача 1-2 (3)-1(2) тизимда 4–6 марта суғорилди, суғориш меъёрлари гектарига 810–1180 м³, мавсумий сув сарфи эса гектарига 4450–5890 м³ ни ташкил этди.

Н. РАЖАБОВ, (УЎПТИТИ)

UZBEKISTON
QISHLOQ
XO'JALIGI

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп
журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зафар РЎЗИЕВ

Шерали НУРМАТОВ

Ҳамрой РАЗЗОҚОВ

Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

Баҳодир АБДУҚОДИРОВ

Саидкул АРАБОВ

Фарҳод ОМООНОВ

Эркин ҚУДРАТОВ

Шамсиддин ЭСОНБОЕВ

2012 йил,
№3 март

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Кўнгилларда навруз сурури	1
Ш.ТЕШАЕВ, Б.ХОЛИҚОВ, А.ШАМСИЕВ. Чигит экиш мавсумини сифатли утказиш	2
Р.СИДДИҚОВ, З.ПУЛАТОВ, А.ЮЛДАШЕВ, З.БЕКЧАНОВ, А.УРАЗБАЕВ, Б.ХУДОЙҚУЛОВ, М.СУЯРОВ, Н.МИРОВ. Кузги бошоқли дон экинлари парвариши	4
Р.СИДДИҚОВ, Ҳ.ЮСУПОВ. Лалмикор майдонлардан унумли фойдаланиш	6
Р.АБДУЛЛАЕВ, А.АРИПОВ. Боғларга баҳор келди	7
М.МИРЗИЁТОВ, Д.НОРМУРАДОВ, Ш.МАХАМАДАМИНОВ, Н.ИБРАГИМОВ. Пиёзни кўчат билан утқазиб сифатли ҳосил етиштириш	8
Б.АЗИМОВ. Сабзавоткорнинг кўктамги юмушлари	9
А.ҲАМРАЕВ. Чорвалдорларнинг баҳорги тadbирлари	10
С.НАВРЎЗОВ, Н.ҚАҲҲОРОВ. Ипак курти уруғларини жонлантириш	12
М.ТОШБОЛТАЕВ, Ҳ.РАҲМОНОВ. Машина таъмири: сифат ва таннарх	13
Ш.ЖУМАНИЁЗОВА. Шовотнинг обод хоналони	14
У.ЖУМАЕВ. Ғуза уруғчилиги: хизматга ҳамisha тайёрмиз	15
Б.ТОШНАЗАРОВ. Моли туқнинг кўнгли туқ	16
Сариосиёлик ишбилармонлар	17
У.ЖУМАЕВ, Ҳ.ҚАРШИЕВ. Замин тоза бўлса, ҳосил мул бўлади	18
А.Мусаев. Чорва насли яхшиланмоқда	20
У.ЖУМАЕВ, Ҳ.ҚАРШИЕВ. Маҳсулотингиз экспортбопми?	21
Б.ТОШНАЗАРОВ. Бустонлиқнинг қизил икриси. Ер билан сирлашиб	22
К.ЭРГАШЕВ. Фарғоналик чорвалдорлар	23
П.ДУСТМАМАТОВ, У.ЖУМАЕВ. Томчиси олтинга тенг	24
У.ЖУМАЕВ. Фойдали ҳашарот — фойдага қафолат	26
У.ЖУМАЕВ, Ҳ.ҚАРШИЕВ. Ерни эъозласак, у бизни ардоқлайди	27
Қ.МИРЗАЖОНОВ. Ер ҳайдашни модернизациялаш	28
Қ.РУСТАМОВ. Ғузани 50x70 схемада кенг қаторлаб пуштага экиш	29
М.ХОЛИҚОВА. Сифатли ва зараркунандаларга чидамли навлар яратиш	31
Н.РАЖАБОВ. «Анджон-36» ғуза навини парваришланнинг макбул агротadbирлари	32
О.РАҲМОНОВ, А.АГЗАМОВ. Калифорния қалқондорининг зарари	33
Ҳ.МАҲМУДОВ, Н.РАУПОВА, С.АБДУРАХМАНОВА. Юза сув эрозиясининг лалми буз тупроқлар кимёвий ва агрокимёвий хоссаларига таъсири	34
О.МАТЧОНОВ, Ҳ.ХОЛИҚНАЗАРОВ, С.ИКРОМОВ. Чигит нобудгарчилигини камайитиришда электротехнологик усуллардан фойдаланиш	35
Ж.УТЕМУРАТОВ, И.АШПИБЕКОВ. Оз миқдорда пуркаш технологиясига ўтишнинг назарий аспекти	36
М.МУСТАФАЕВ. Определение глубины потока — h, в зоне слияния при стабилизации равномерного режима	37
У.ЭГАМБЕРДИЕВА. Жаҳон пахта бозорида мамлакатимизнинг урни	38
Р.БАКИЕВА. Фермер хўжаликларида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий ва мотивлаштириш механизмларини такомиллаштириш	39
У.ТУРСУНОВ, Р.АҚАЕВ, Д.ДЖАЛАЛОВА. Ишлаб чиқаришни бошқаришда харажатларнинг роли	40
Т.ФАРМООНОВ, Б.ШОДИЕВ. Яйлов экотизимини тиклаш ва ривожлантириш	41
Б.НОСИРОВ, Н.САЙФУДИНОВА. Қишлоқ хўжалигида ерлан самарали фойдаланиш омиллари	43
Ф.ШАКИРОВА. Инновацион ривожланишни таъминлаш — барқарор иқтисодий усиш омилли	44
А.ЖАЛОЛОВ. Сув хўжалиги билимлони	45
Бирам тиниқлишиб янгради ҳаво	46
Кўкка учар биллурий куй	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: Тошкент, 128,
Кохота кўчаси, 75-уй.
Телефон: 240-57-10.
Факс: 240-57-17.

E-mail: qxjournal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2012 йил 27 февраль. Босишга рухсат этилди: 2012 йил 28 февраль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № 10. Нухаси 4500 дона.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 1^а-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ПУЗМЕТОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА